



ХОМИЛАДОРЛАР ПАТРОНАЖИ

Тожиахмедова Дилфузা Ибрагимовна

врач-педагог

*Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлар малакасини
ошириш ва уларни ихтисослаштириш Маркази Андижон филиали
ўқитувчи*

Акушер-гинекология муассасалари турларига: ССВ нинг акушерлик ва гинекология илмий амалиёт маркази, Республика Перинатал маркази, ТТА нинг акушерлик комплекси, ҳамма шаҳарлар ва туман марказий касалхоналаридаги акушерлик комплекслари киради. Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимида ОШП, ОП, шахарда эса шахар оиласиий поликлиникалари ташкил килинган.

Хомиладор аёлларга антенатал парвариш ва назорат қилишда бирламчи тиббий санитария ёрдами (БТСЁМ) мухим аҳамият касб этади. БТСЁМ да хомиладор ва туқкан аёлларга кўрсатиладиган асосий ёрдам қуидагилардан иборат:

- бириктирилган ҳудудда хомиладор ва туқкан аёлларга малакали ёрдам кўрсатиш;
- хомиладор аёлларни эрта диспансер назоратига олиш ва уларни терапевт ва бошқа мутахассислар кўриги билан таъминлаш ва бирорта экстрогенитал патология аниқланганда ўз вақтида хомиладорлар патологияси бўлимига госпитализация қилишни таъминлаш;
- туғруқ комплекслари ва тез ёрдам кўрсатиш станциялари, диспансерлар билан мунтазам боғланиш;
- қутилмаган хомиладорликдан сақланиш максадида ва айникса ЭГК мавжуд бўлган аёлларда ва туғруклар ўртасида интергестацион интервални сақлаш бўйича тиббий оқартув ишларини олиб бориш, замонавий контрацептив воситалар ҳақида тўлиқ маълумот бериш;
- замонавий текширув ва даволаш ишларини тажрибада қўллаш;
- соғлом турмуш тарзини тарғибот килиш ва соғлом оилани шакллантиришга ёрдам бериш;
- аёлларни оналик ва болаликни муҳофаза килишга оид хақ хукукларини таъминлаш;

Хонадон эгалари (оилада нечта одам яшайди, ким қаерда ишлайди, кимлар сурункали касалликлар билан назоратда туриши), хомиладор яшаётган хонани ўрганиш (қулай шарт-шароитлар ошхона, дам олиш хоналари, ҳаммол, ҳожатхона), танишиш, аёлнинг яқинлари билан хомиладор аёлдаги ўзгаришлар тўғрисида сухбатлашиш. Хомиладор билан



алоҳида савол-жавоб ўтказиш, қўлларни ювиш, (қон босими, пульс ва тана ҳароратини ўлчаш, тери ва шиллик қаватларни, кўкрак безларини кўздан кечириш, ҳомиланинг юрак урушини эшитиш, овқат ҳазм қилишда бўлаётган муаммолар, уйқудаги муаммолар, кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, белда, оёқда ва бошда оғриқларнинг бор-йўқлиги, оёқ-қўлларнинг шишиши, номунтазам соҳта дардлар, ҳожатга борищдаги муаммолар (қабзият, сийиш), қин ажралмаларига аҳамият бериш). Ҳомиладорни ва унинг яқинларини ҳомиладорлик пайтидаги ҳавфли белгилар тўғрисида таништириш. Ҳомиладорлик даврида шахсий гигиенага, рационал овқаланишга катта аҳамият бериш ва шифокор кўригидан мунтазам ўтиб туришни тавсия қилиш зарур. Зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни талаб киладиган хушёрлик белгилари (ҳар кандай вактда): Киндан қон кетиши, ҳомила қимирлаши ўзгариши, тўсатдан, кучли бош оғриги, мушаклар учиши, тери қопламлари саргайиши, асосан юз ва бел соҳасида тўсатдан ва кучли шишлар бўлиши, кўриш қобилиятини бузилиши, қориннинг юқори ва ўнг соҳасида оғриқ бўлиши, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кўнгил айниши ва қусиши, сийдик миқдорининг камайиши (400 мл.дан кам.), иситма ёки эт увишиши (тана ҳарорати ортиши), қорин пастида кучли оғриклар, бачадонда чандик бўлганда ҳар кандай дардсимон оғриклар бўлиши, доимий бачадон қисқариши ҳолатлари.

Эрта ёшда ҳомиладор бўлиш, туғиши жараёнида она ва боланинг соғлигига хавф солиши мумкин. Маълумки, 16-17 ёшгача қизлар тўлишиб, бўйлари ўсиб қолади, аммо бу ҳали уларни она бўлиш учун етилганликларини билдирамайди. Қизлар 16-17 ёшга тўлгани билан уларда, ҳомилани тарақкий этиши ва бола туғиши учун нормал шароит вужудга келмаган бўлади. Тос суюклари ривожланмаганлиги сабабли, туғиши жараёнида жарроҳлик усулидан фойдаланишга тўғри келиши мумкин. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан она бўлишга тайёр бўладилар. Эрта турмуш куриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой куни етмай чала туғилишига, ҳомиладорлик асоратларига олиб келиши мумкин.

Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиги ҳисобланади. Ёши ўтган яъни 35 ёш ва ундан юқори бўлган аёллардаги ҳомиладорликлар нафақат аёлнинг саломатлиги балки, туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфлидир, чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камконлик, эндокрин. юрак-қон томир касалликлари, буйрак аъзолари ва х.к) кўп учрайди. Бу эса нафақат ҳомиладорлик даврини, балки тугрук жараёнини ҳам асоратлади. Ҳомиладорлик муддати тўққиз ой давом этади.



Хомиладорлик даврида тиббий кузатув олиб борилади. Тиббий кузатувлар аёл ва бўлажак фарзандини ҳомиладорлик ва ундан кейинги даврда соғ-саломат бўлишларини оила аъзолари жавобгарликни хис қилиши керак.

Фарзанд ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, баҳти. Ҳар бир она фарзандининг соғлом, зуваласи пишиқ, баҳтли-саодатли бўлиб ўсиб улғайиши учун қайғуради ва чақалоқ туғилмасидан туриб шунга тайёргарлик кўради. Кўкрак сути боланинг соғлом ва бақувват ривожланиши учун энг муҳим озуқадир. Кўкрак сути тарқибида бола ўсиши ва ривожланиши учун керакли барча озуқалар мукаммалдир. Кўкрак сути суюқ, енгил ҳазм бўлувчи ва етарли қалорияга эга бўлган, турли микроблардан ҳоли, пишириш ва иситиш талаб қилмайдиган тайёр озуқадир. Оғиз сути бу янги түқсан аёл кўкрагидан 1-1,5 кун ичидаги ажралиб чиқаётган сарғиш ширави чўзилувчан суюқлик бўлиб, бола учун ўта фойдалидир. Оғиз сути болани ичакларини тозалайди, инфекциядан сақлайди ва бақувватлаштиради. Оғиз сутини биринчи эмлаш деб ҳам аталади. Кўкрак сути турли касалликларни чақиравчи вирус ва микробларга қарши қурашувчи моддаларга бой бўлади. Кўкрак сути эмган бола тетик ва касалликка кам чалинадиган бўлади. У барваҳт онани таний бошлайди, онага интилади, бу болада илк меҳр қуртакларини уйготади. Она ўз фарзандига табиатнинг мўжизаси - сут орқали бутун борлигини берар экан, она саломатлигига ҳам ижобий таъсири бордир. Эмизикли оналарда модда алмашинуви анча жадал кечади, бу эса она иштаҳасини яхши бўлишига, кайфиятини кўтарилишига олиб келади, руҳий енгиллик сезади, оила аъзоларига нисбатан ахиллиги ортади. Кўкрак сути билан боқиши бола соғлиги ва унинг баркамол инсон бўлиб ўсиши учун зарурдир.

Туғруқлар оралигини сақлаш (камида 3 йил) онанинг саломатлигини яхшилайди ва соғлом фарзанд туғилишини таъминлайди.

ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИНИ АНИҚЛАШ

Ҳомиладорлик бошланишида унинг белгилари жуда аниқ бўлмайди. Бунда ҳомиладорлик фақат тахминий белгиларга кўра аникланади.

Ҳомиладорликнинг тахминий белгиларига аёлдаги субъектив ҳолат ва объектив текшириш натижасида унинг организмида аникланган ўзгаришлар киради. Ҳомиладорларнинг субъектив ҳолатига:

1) бошкоронги бўлиб иштаҳаси ўзгаради, нордон ва аччиқ овқатлар егиси келади, баъзан бўр истеъмол қиласи, хўл тупроқ ва бошқалар хидини ёқтиради;

2) жаҳлдор бўлиб кайфияти тез-тез ўзгариб туради, уйкучан бўлиб колиши мумкин;



3) хидни сезиши кобилияти бирмунча ўзгаради (папирос, атир, ёғ ҳиди ва бошқа хидлардан кўнгли айнийди);

4) терисида бир қатор ўзгаришлар рўй беради: сут бези тугмачаси атрофида, юзида, қорин деворининг оқ чизигида қорамтири доғлар пайдо бўлади.

5) сут безида оғиз сутга (бошланғич сут) пайдо бўлиб, кўкраклари катталашади. Агар сут безининг учи сиқилса, оғиз сути чиқади.

Ҳомиладорликнинг тахминий белгилари. Бу хилдаги белгиларга жинсий аъзоларда, сут безида, ҳайз кўришда бўладиган ўзгаришлар киради. Бу белгиларнинг ҳаммаси объектив белгилар хисобланади.

Ҳомиладорлик ҳайз кўришнинг тўхташи билан белгиланади. Маълумки, соғлом аёлларда ҳайз даври ўзгармайди. Факат ҳомиладорлар ҳайз кўрмайдилар, баъзи бола эмизадиган аёллар ҳайз кўрмасликлари мумкин. Ҳайз кўришнинг тўхташи ҳомиладорликнинг тахминий белгиларидан бири бўлишига қарамай, турли акушерлик текширишлари ўтказиш лозим бўлади.

Ҳомиладорлик даврида тиббий кузатув олиб бориш.

Ҳомиладорлик давридаги тиббий кузатувлар аёл ва унинг туғилажак фарзандининг ҳомиладорлик даврида, туғруқ жараёнида ва ундан кейинги даврда соғсаломат бўлишларини таъминлайди.

- Қон текшируви шифокор маслаҳатига кўра қон гурухи, резус фактори, гемоглобин текширувлари учун керак бўлади.

- Сийдик таҳлили пешоб чиқариш йўлларидаги инфекция, кечки токсикоз ёки диабет аломатларини аниклашга ёрдам бериши мумкин.

- Қин ва бачадон бўйнидаги ажралмалар текшируви инфекцияни аниклашда жуда муҳим.

- Ультратовуш текшируви ҳомиланинг ўсиши ва ривожланиши хақида ахборот беради.

АДАБИЁТЛАР:

1.UNICEf. «Оналар хамда болаларда хавф омилларини аниклаш буйича йўриқномалар ва бериладиган тавсиялар» патронаж хамширалари учун услубий кўрсатмалар, Тошкент-2020й.

2.UNICEf. «Бирламчи тизимда оналар ва болалар билан ишлаш бўйича патронаж хамширалар ишини ташкил этиш» амалий қўлланма, Тошкент-2020 й.

3.ВОЗ/ЮНИСЕФ “Акушерство”. Руководство для участника.

Ташкент, 2013г.



- 4.Ю.Қ.Жабборова, Ф.М.Аюпова “Акушерлик” Электрон дарслик. Ташкент.2008й.
5. Э.Қ.Айламазян “Акушерство”. Электрон дарслик. Учебник для медицинскихвузов.Медицина.
- 6.Я.Н.Аллоёров, Д.Қ.Тошева. ”Оналиқда хамширалиқ парвариши” Ташкент-2012й.
- 7.В.Н.Туракулов, Ф.Б.Гаффаров ”ДМПларда акушерлик ва гинекологик ёрдам кўрсатиш” Ўқув қўлланма. Навоий-2019-й.

ИНТЕРНЕТ-САЙТ:

www.medi.ru, www.medlinks.ru, www.medscape.com, www.medland.ru,
www.med-lib.ru, www.ksmed.ru/pat/gynecology, www.medsan.ru,
-[http://www. minzdrav.uz/](http://www.minzdrav.uz/) – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимиға оид меъёрий хужжатлар;